ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01025

ТАЛАБАЛАРГА ОЧИҚ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАР ОРҚАЛИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Саодаддин Шавкатович Расулов
Тошкент давлат аграр университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола очиқ таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда ОТМ ўқув жараёнини ташкиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда очиқ таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда талабалар иқтидорини ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, очиқ таълим ресурсларини яратиш муаммолари ва ечимлари келтирилган.

Калит сўзлар: таълим, педагогика, олий таълим, таълим ресурслари, очиқ таълим.

КИРИШ

Олий таълим жараёнини ташкил этишда ва юқори сифатли рақобатбардош кадрларни тайёрлашда очиқ таълим ресурсларининг ўрни каттадир. Олий таълимнинг сифатини таъминлаш бўйича энг илғор хорижий олий таълим муассасалари томонидан оммавий онлайн очиқ курсларига киритган ўқув курсларидан фойдаланган ҳолда олий таълим тизимидаги субъектларининг коммуникатив компетентлигини ошириш механизмлари ўрганиш ва миллий очиқ онлайн таълим ресурсларини яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Янги таълим моделининг асосий мақсади – замонавий ахборот жамиятини ривожлантириш билан билим талабгорларига максимал юқори даражадаги рақобатбардош таълимни таъминловчи муҳитни ҳосил қилиш: ҳамкорлик, коммуникация, ижтимоий жавобгарлик, муаммоларни оператив ва сифатли ечиш. Масаланинг бундай қўйилиши фаол ва долзарб контентларни ишлатиш заруратини шарт қилиб қўяди. Очиқ таълим ресурсларини ривожлантириш ва фойдаланишни олға сурмай бундай глобал масалани ечиш имконияти йўқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Турли мамлакатларда кўп сонли фойдаланувчилар очиқ таълим ресурсларидан фойдаланиб келмоқда. MIT OCW маълумотларига кўра, уларнинг сайтига ҳар ой ўртача миллионлаб одамлар ташриф буюради,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01025

улардан: 43% - мустақил таълим олувчи фойдаланувчилар; 42% - талабалар; 9% - ўқитувчилар -; 6% - бошқа фойдаланувчилар. Ҳар йили 2 500,000 дан ортиқ халқаро талабалар Германия онлайн курсларидан фойдаланишади. Кўп курслар машҳур Германия Университетлари томонидан тақдим этилган бўлиб, курс охирида махсус Сертификатлар билан тақдирланади. Асосий курслар пуллик бўлсада уларнинг маълум қисми талабаларга бепул равишда, очиқ ҳолатда қўйилганлиги олқишга сазовор. Булар, Германиянинг 409 та университет ва коллежлар томонидан тақдим этилган 14.500 ортиқ халқаро даражадаги дастурлардан иборат.

Германия тармоқларида жудаям машҳур бўлган inversity.org сайти шулар жумласидандир. inversity.org олий таълим ва касб-ҳунарни ривожлантириш учун қаратилган Европанинг рақамли таълим платформаси ҳисобланади. Веб-сайтнинг мақсади таълимнинг барча учун очиқлиги, уни арзон ва янада осонлаштириш бўлиб, талабанинг қаерда бўлишидан қатъий назар унинг бутун Европа институтлари томонидан тақдим этилган курслардан сабоқ олиш имконияти билан таъминлашдир. Сайтда интерактив ва қизиқарли, юқори сифатли таълим тажрибасини ўрганиш жуда ҳам осонлаштириб берилган.

Веб-сайтда курснинг қидирув қисми жуда ҳам қулай бўлиб, талаба ўзига мос бўлган курсни хоҳлаган форматда ва хоҳлаган тилда юклаб олиши мумкин.

Khan академияси - Нотижорат таълим ташкилоти бўлиб, Гарвард Университети битирувчиси Салмон Хон томонидан 2006 йилда асос солинган. Академиянинг мақсади - "ҳамма жойда ҳар бир киши учун сифатли таълимни таъминлаш"дир. Академия Веб-сайтида математика, тарих, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, молия, физика, кимё, биология, астрономия, иқтисодиёт, космология, органик кимё, санъат тарихи, микроиқтисодиёт асослари, информатика фанларидан 4200 дан ортиқ бепул микро маърузалар йиғиш имконини беради. Хан Академиясининг таълим бериш усули босқичма-босқич бўлиб, ҳар бир босқичда сиз маърузага тегишли бўлган видеолавҳани томоша қиласиз. Лавҳадан сўнг мавзуга тегишли бўлган саволларни видеолавҳа остида қолдиришингиз мумкин бўлиб, уларга мутахассис жавобини олса бўлади.

edX очиқ онлайн курслардан ташкил топган бўлиб, айрим курслар бепул ўтилади. Веб-сайтда, талаба ўзи хоҳлаган фанни кенг доирадаги онлайн курслари сифатида энг машҳур университетлар томонидан берилган марузалар орқали ўргатилади. Дунёнинг кўплаб Университетлари edX билан ҳамкорлик қилиб кўпчилик курсларга мезбонлик қилади. Бундан ташқари edX нотижорат ташкилоти бўлиб, шунга ўхшаш Coursera ва Khanakademy ва бошқа онлайн

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01025

курслардан фарқли ўлароқ, очиқ-кодли дастурда ишлайди. Жумладан хоҳлаган талаба ва педагоглар маърузаларни ўзгартириш ва янгисини яратишга ҳақлидир.

Ушбу Веб-сайтларни Массачусеттс Технология Институти ва Гарвард Университети 2012 йил май ойида яратган. 24 март 2016 йилнинг маълумотларига кўра, edX да 7 миллиондан зиёд талаба 700 дан ортиқ онлайн курсларидан сабоқ олади.

EdX курслари ҳафталик ўқув кетма-кетликлардан иборатдир. Ҳар бир дарс видео лавҳалардан таркиб топган бўлиб, видео билан биргаликда машқлар ва интерактив масалалардан иборатлиги, талабанинг мавзуни дарҳол ўзлаштиришига замин бўла олади. Курслар кўпинча тажрибавий видео-лавҳалар билан бойитилган бўлиб, Университетнинг муҳокама гуруҳларига ўхшаб кетади. Ундан ташқари онлайн дарсликка ўхшаш саҳифаларга эга бўлиб, талабалар бир-бирига онлайн суҳбат қилиб, марузани муҳокама қилишлари мумкин.

edX да Khanakademy дан фарқли равишда ўрганиладиган фанлар доираси жуда ҳам кенг бўлиб, уларнинг кўпчилиги инглиз тилидадир.

Ҳар бир курсни бошлашдан олдин, унинг мутахассис-марузачисининг исми шарифи берилган бўлиб, марузанинг қисқача мазмуни, ва бошқа талабаларнинг бундан олдин қуйган изоҳларини кўрса бўлади, бу талабанинг вақтини тежашга анча ёрдам бера олади.

Coursera - тижоратга асосланган дунёдаги энг кўп очиқ онлайн курслар таклиф этувчи, таълим технологияси ҳисобланади. Coursera да физика, муҳандислик, гуманитар, тиббиёт, биология, ижтимоий фанлар, математика, бизнес, информатика, рақамли маркетинг каби фанлардан сабоқ берувчи, энг машҳур олий ўқув юртларининг курсларидан мавжуд онлайн база ҳисобланади.

edX га ўхшаб, Courserани ҳам IOS ва Андроид операцион тизимларида ишлайдиган смартфонларга юклаб олиш имконияти мавжудлиги унинг аудиториясини кенгайтиришига ёрдам беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда айрим курслар бепул тақдим этилсада, асосий маърузалар ва курслар махсус тўловлар асосида юритилади. Курснинг охирида маълум тўлов эвазига талабалар ўз мутахассисликларига мос бўлган компаниялардан сўровларга жавоблар олишлари мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01025

Бундан ташқари ҳар бир курс охирида талабалар веб-камера орқали жонли равишда, оғзаки ва ёзма имтиҳондан ўтишлари мумкин

Ҳар бир курс одатда 4-10 ҳафта давом этиб, унинг жараёнида талаба ҳар хил синов, ҳафталик машқлар ва якуний лойиҳалардан ўтиши керак. Бундан ташқари, талабалар web форумлар ўтказиб жонли суҳбат қилишлари, маърузани муҳокама қилишларига имкон яратилгандир. Аммо имтиҳон синовлари жараёнида web форумлар тасдиқланганлиги, унинг якуний жавобларини адолатли равишда берилганлигига асос бўла олади.

Courseranинг энг асосий камчилиги унинг кўпчилик курслари пуллик равишда ўтилишида бўлиб, унинг талабаларини моддий жиҳатдан қийинчиликка олиб келиши мумкин.

Юқоридаги ОТР фаолиятини ўрганиб Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларни тайёрлаш моделини яратиш мумкин (1-расм).

Ушбу моделда олий таълим муассасаси талабалари орасидан иқтидорлиларини саралаш ва уларни номдор стипендияларга, давлат мукофотларига, ёшлар иттифоқига аъзо бўлишига тайёрлаш қаралади. Албатта иқтидорли талабалар кафедраларда, фан ўқитувчилар, мураббийлар томонидан маълум бир тест синовлари, илмий лойиҳаларда иштироки, ташкилий, илмий-услубий ишларда фаоллиги билан аниқланади.

ХУЛОСА

Мазкур моделда талабалар иқтидорини, қобилиятини, билим ва кўникмала-рини очиқ таълим ресурсларидан фойдаланиб аниқлаш, қолаверса талабага ОТР дан фойдаланиш жараёнида билимларини янада мустахкамлаш жараёни келтирилган.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-3080 Фармони.
2. “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарори.
3. "Creative Commons" ривожланиш истиқболлари Creative Commons нинг Варшавада бўлиб ўтган 2011-йил 16-18-сентябрдаги халқаро саммити.
4. Nihalani R. Video Is Great, But Unlocking MOOC Data Is The Game Changer. URL: http://www.skilledup.com/blog/mooc-data/

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01025

5. Образовательные программы Coursera. URL:https://www.coursera.org/ about/ programs.
6. Московский Центр Дистанционного Образования: EDX -самая интеллектуальная MOOC платформа в американском дистанционном образовании.URL: http://bakalavr-magistr.ru/news/177 (дата обращения 16.08.2015).
7. Педагогические подходы Coursera. URL: https:// www. coursera.org
8. https://losst.ru/richard-stollman-otets-otkrytogo-programmnogo-obespecheniya